

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**География факультети
Геодезия, картография ва кадастр кафедраси**

Умумгеографик карталарини лойиҳалаш ва тузиш

4-Амалий иши

Мавзу: Карта дастурини тузиш

Тузувчи: г.ф.н., доц. Қорабоев Ж.С.

ТОШКЕНТ - 2010

АМАЛИЙ ИШИ №4

Карта дастурини тузиш

Карта дастури қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- 1.Картанинг мақсади ;
- 2.Математик асоси;
- 3.Карта мазмуни;
4. Карта мазмунини кўрсатишда ишлатиладиган картографик тасвирлаш усули ва картани жиҳозлаш;
- 5.Генерализация ва генерализация қилиш тамойиллари;
- 6.Картани тузишда ишлатиладиган манбалар. Уларнинг ишлатиш йўллари, компьютер графикасидан фойдаланиш;
- 7.Картаси тузилаётган ҳудуднинг географик тавсифи;
- 8.Карта тайёрлаш технологияси;

Лаборатория ишини бажариш учун методик кўрсатма.

Карта дастурини тузиш учун қўйидагилар керак бўлади: карта номи,масштаби,ҳудуди ва кимлар учун мўлжалланганлиги. Мисол учун:Ўзбекистон географик “Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ” картаси. Масштаб 1:4000000. Берилган вазифаси ва мазмунига қараб картанинг кимлар учун мўлжаллангани аниқланади. Бизнинг мисолда “Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ” картаси олинган. Бу карта умум ўрта таълим муасасалари учун мўлжалланган. Бу карта экологик ва табиатни муҳофаза қилиш ўқув дарслари учун мўлжалланган.Картага қуйидаги талаблар қўйилади: бу картада аниқ ва яққол экологик ҳолат кўрсатилиши керак ва экологик ёмонлашаётган ҳудудлар ҳамда муҳофаза қилинаётган жойлар тасдиқланиши керак. Карта нашрга чиқарилаётгани учун проекцияси ва компоновкаси кўрсатилиши шарт.

Карта мазмунини ишлаб чиқиш;

Биринчидан,картага олишнинг умумий қонун-қойдаларини тартибга солиш;

Иккинчидан,мавжуд элементларни маносини аниқлаш;

Учунчидан,сифат ва миқдор кўрсаткичларини ифодаловчи картографик тасвирлаш усулларини танлаш.

А) Картанинг асосий мазмуни рельеф,сув объектлари,ўрмонлар,қишлоқ хўжалик ерлари,шаҳарлар ва саноат марказлари,транспорт алоқаларини экологик ҳолатини кўрсатилиши.

Бизнинг мисолимизда картанинг умумий асоси қилиб геотзимли йўналиш олинган.Бунда картогрофик асос сифатида ландшафт бирликларининг ҳар хил таксономик бўлаклари олинган. Масалан:баланд тоғлар,ўртача баландликдаги тоғлар,паст тоғлар,адирлар ва ҳ.з.

Б) Экологик вазиятга тавсиф бериш ва уни ифодалаш учун картографик тасвирлаш усулларинитанлаш шу соҳани ванчалик урганилганига ва маълумотларни бор-йўқлигига боғлиқ бўлади. Масалан сувларниг ифлосланиш чегарасининг миқдор кўрсаткичлари ,тупроқларнинг ифлосланишини балли кўрсаткичлари ва ҳоказо. Карта дастурида ҳар бир элементиинг тасвирланиш усули ва жиҳозланиши кўрсатилган бўлиши керак.

С) Картанинг тасвирланиш усули ва жиҳозланишини ишлаб чиқиш картани бадий лойиҳалаш ёки картани дизайнерлаш деб номланади. Шкалалар градацияси қабул қилинган ранглаар ва уларни оч-тўқлиги , шрифтлар ва уларнинг ёзувлар ўлчамлари ва бошқа картанинг жиҳозланишлари кўрсатилади. Ўзига хос жойларни жиҳозланишини мисол тариқасида бериш мақсадга мувофиқ..

Д) Картани жиҳозлашда компьютер графикасини қўллаш , унинг эстетик ва илмий сифатини янада оширади.

Генерализация бўйича кўрсатмалар картани ишлатилиш усули ва мақсадига қараб берилади.

Е) Генерализация худуднинг географик жиҳатлари билан узвий боғлиқ.. Шунинг учун дастурда худуднинг географик тасвирланиши ва районлаштирилиши киритилади. Юқоридагилар карта маъносини ва элементларини генерализация қилиш кўрсаткичларини илмий асосланган ҳолда дифференциялашга ёрдам беради. Дастурда асосий эътибор манбаларини баҳолаш ва уларнинг ишлатиш бўйича кўрсатмаларга қаратилади. Масалан, катадан фойдаланишда катта аудиторияда фойдаланилса у узок масофадан аудитория охиридан ўқилиши керак. Шунга қараб генерализация цензи ва нормалари аниқланади.

Ж) Барча картографик ва картографик бўлмаган маълумотлар график, матн ва рақамли шкалаларда кўрсатилиши мумкин. Дастур аниқ манбалар ва рақамли ахборотлар базасини ўз ичига олиши керак . Яхши ўрганилмаган худудга асосий эътибор қаратилади. Карта дастурини охириги қисмида нашр қилиш ва тузишнинг техник усуллари кўрсатилади. Дастур қўшимча график маълумотлари билан тўлдирилади. Бизнинг мисолимизда Ўзбекистон республикаси учун чоп этилган экологик , табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа мавзули карталар бўлиши мумкин. Аэро ва космик расимларга давлат томонидан табиат ва уни бойликларини назорат қилиш органларининг статистик маълумотлари ҳамда табиатга антропоген ва техноген таъсир кучлари тўғрисида маълумотлар олинади . Бундан ташқари саноат , маъиший хизмат кўрсатиш қишлоқ хўжалик корхоналари ва транспорт таъсир турлари ва кучлари тўғрисида маълумот олинади.

З). Картантнг макет коипоновкаси маълумотлар билан таъминланганлиги тўғрисидаги схемаси , районлаштириш схемаси , карта легендаларидан намуналар , генерализациядан қилишдан мисоллар ва картани жиҳозлашдан мисоллар кўрсатилади . Бундан ташқари , картани яратиш учун сарф-харажатларининг иқтисодий режаси дастурга киритилади.

Кўп варақли карталар ва атласлар учун ҳам дастур юқоридаги каби тузилади. Шунга қараб бошида барча атлас ва кўп варақли карталар учун умумий дастур тузилади , шунга қараб умумий талаблар ундан кейин эса алоҳида карталар учун хусусий дастурлар тузилади . Умумий дастур давлат карталарини қўлланма ва кўрсатмалари умумлаштириб кўрсатади. Бларга қўшимча тарзда карта муҳаррири муҳаррир кўрсатмаларини кўпинча тузиб боради. Бу хужжат алоҳида карта ёки варақлар учун қўлланма сифатида қўлланилади.